60999

**Da`vat**

**Қувонч ўткинчи, Мустақиллик абадий!**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 4 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 63 (7156)

**Ibrat**

**Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Чархин касб-ҳунар лицейига «Миллий тикланиш» партияси Республикамиз Президенти асарлари ҳамда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўзида акс эттирган 50 дан ортиқ китоблар жамламасини совға қилди.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### *ФАРМОНИ*

**«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида**

***Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан ишлари ҳамда республикамизда ғалла мустақиллигини таъминлашда фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, Олий нишон «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:***



**Абдуллаев Дўстмурод** — *Пахтачи тумани Р.Махманов номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти*



**Абдурахимов Абдували** — *Чортоқ тумани «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти*



**Аламатов Атахон** — *Марҳамат тумани У.Қорабоев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Андижон вилояти*



**Рахмонов Ғайбулло** — *Касби тумани Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги ижарачиси, Қашқадарё вилояти*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 1999 йил 3 август.*

## УМИДЛАР ИШОНЧГА АЙЛАНДИ БУГУН



**Qutlug' ostona**

Шу йилнинг 31 июль куни пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида ўзгача бир файз-тароват ҳукм сурди. Бу кун ҳашаматли саройда иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 1999 - 2000 ўқув йили учун ўтказган танлови ғолибларига Президент грантларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросимда иштирок этиш учун танлов ғолиблари билан бирга диллари қувончбахтга тўла ота-оналар ҳам ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг жамғарма грантларининг соҳибларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Табрикдан сўнг янграган давлатимиз мадҳияси тадбирдаги тантанаворликни янада юксалтирди. Барча иштирокчилар қалбини ғурурга тўлдирди. Маросимда, шунингдек, танлов ғолибларининг Республика Президентига номаси ўқиб эшиттирилди, талабалар, ота-оналар ўз дил сўзларини изҳор этдилар. Айниқса, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматовнинг қисқа, лекин жонли ва самимий нутқи республикамизнинг турли ҳудудлари, жамиятимизнинг ҳар хил қатламлари вакиллари бўлмиш ота-оналар қалбини тўлқинлантириб юборди. Учрашувда олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари сўзга чиқдилар. Бош вазир ўринбосари Д.Ғуломова тадбирда танлов ғолибларининг бир гуруҳига Президент гранти сертификатлари ва Юртбошимиз имзоси битилган соатларни анъанавий тарзда топширди.



Тантанада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Зиё, Т.Рисқиев, Президентнинг матбуот котиби А.Ғуломов, халқ таълими вазири Ж.Йўлдошевлар иштирок этдилар. Тантанали маросим сўнгида ўзбек қўшиқчилик санъати юлдузлари ҳамда таниқли сўз усталари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Шундай қилиб, бу йил «Умид» жамғармаси орқали хорижга таҳсил олиш учун йўл оладиган 184 нафар ўғил-қизга оқ йўл тиланди.

**Шухрат ЙИГИТАЛИЕВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири**

**Суратларда: тантанадан лавҳалар. Р.Жуманиёзов (ЎзА) олган суратлар.**

## ДОВОНДАН ОШИШ ИМКОНИ

**Test — Mustaqillik mevasi**

Инсон зотининг жами хилқатлардан фарқи туйғу эгаси эканлигида. Бани башарнинг ақли ҳайвоноту наботот устидан музаффарлиги ҳам шу боис.

Туйғунинг тури кўп. Лекин буларнинг ичида «ҳаяжон» исмлик бир ҳис борки, у етти яшардан етмиш яшаргача бегона эмас. Бундай аниқлик киритишимизнинг сабаби, баъзи туйғулар (масалан, муҳаббат) ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Хуллас, ҳаяжон тўғрисида гап бораётганди. Сиз ўзингизнинг ёки бирор ёр-биродарингизнинг ҳаяжонига гувоҳ бўлганингиз тайин. Бироқ минг-минглаб каттакичикнинг бир йўла ана шу ҳисга ошно бўлганини тасаввурингизга сиғдиролмасангиз керак. Сизга маслаҳатимиз: тасаввурингизга сиғдиринг. Чунки бу ҳаяжон Мустақиллик инъом этган, унинг шарофатига йўғрилган ҳаяжон. 1999 йил 1 август — Юртимизнинг барча гўшаларидаги олий ўқув юртларида тест синовлари куни. Умидли ҳаяжон онлари.

Билгичлар билгусига қараганда, ҳаяжонланган одам ўзидан бир нур таратармиш. Шу куни мамлакатимиз беадад нурлардан мунаввар бўлди, назаримизда. Булар келажагаимизни нурафшон этгувчи нурлар бўлса, ажаб эмас.



Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти. Эрта тонг бўлишига қарамай, ўқув юртининг олди гур-рос-гуррос ота-оналару абитуриентлар билан гавжум. Уларнинг кайфияти хусусида юқорида кўп тафсилот бердик. Шу ерда ҳаяжон билан бирга ишонч ҳам устун эканлигини қўшимча қилиб ўтмоқчи эдик.

**Козим Кўпайсинов, Сирдарё вилоятидан:**

— Ўтган йили жияним иқтисодиёт университетига ўз билими билан кириб кетди. Ўзим тракторчиман. Ўғлим кириб кетишига ишонаман. Бу тест дегани жуда адолатли усул бўлди.

**Маҳкам Раҳимов, андижонлик:**

— Қишлоғимиздан ўтган йили ўндан ортиқ бола Тошкентга ўқишга кирди. Ҳаммаси ўзимиз қатори оддий одамларнинг болалари. Худо хоҳласа, қизим ҳам кириб кетади. Ишончим комил.

Гуруҳларига қараб сафланган абитуриентлар бирин-кетин, тартиб билан аудиторияларга йўл олишди. Барчаси ўз жойини эгаллагач, абитуриентлардан иккитаси ҳамманинг кўз олдида тест вариантлари солинган қутини очишди. Сўнг аудитория назоратчилари (Яккасарой тумани мактаблари муаллимлари) кузатуви остида тестларни танлаб олишди. Соат саккизу ўттиз дақиқа. Абитуриентлар ўз билимлари синовига киришишди.

Биз бу йилги қабул натижалари тўғрисида гапириб беришни институт ректорининг биринчи муовини Абдусаттор Абдуғаффоровдан илтимос қилдик:

— Бу йил режа бўйича 650 нафар талаба қабул қилишимиз керак. 1846 та ҳужжат қабул қилинди. Шулардан 1296 таси кундузги бўлимга. Маркетинг ишларини яхши йўлга қўйганимиз сабабли, ўтган йилгидан 530 та кўп ҳужжат тушди. Айниқса, тўқимачилик ва енгил саноат технологияси, касб-ҳунар педагогикаси мутахассисликларига талаб катта бўлди.

**Суратларда: тест синови жараёнидан лавҳалар.**

**А.ТЎРАЕВ (ЎзА), Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

**(Давоми 3-бетда)**

**Кутубхонада кимлар ишлайди? 4-бет**

## ТАШАББУСКОР ОПА

### Очерк ўрнида

**1999 yil — Ayollar yili**

#### ЭЛ ОРАСИДА

Ҳаётда биринчи бўлиш ҳам осон, ҳам мушкул. Енгиллиги шундаки, олдинда поёнсиз фаолият майдони мавжуд. Мушкуллиги шундаки, айнан сенинг зиммангга очилмаган сўқмоқлардан юриш вазифаси юкланади. Бу сўқмоқлардан юриб, афсус билан орқангга ҳам қайтасан ва янги сабот билан ишингни бошидан бошлашингга тўғри келади. Дилшодахон опа ҳам шундай, ҳаётда биринчилардан бўлиб юради. У ёшлик малоҳати мавж урган йиллардан ёшлар етакчиси эди. У қанчалик улғайган сайин атрофидагилари ҳам салобатлаша борди. Бироқ умрининг мазмуни ўша-ўша — ёшлар таълимию тарбиясидан иборат бўлиб келаяпти.

Шу ўринда Дилшода Дадажонованинг таржимаи ҳоли ҳақида икки калом. У 1949 йили Андижон вилоятининг Андижон туманида таваллуд топган. Тарих фанлари номзоди. Ўғил-қизларини тарбиялаб вояга етказган севимли она. У Поп туманида иш фаолиятини бошлаган. Узоқ йиллар Наманган вилоят ҳокими ўринбосари бўлиб ишлади. 1998 йилдан бошлаб вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бу вақт ичида, соҳа ходимлари қалбига ҳам ғайрат, шижоат сингдира олди. Натижада меҳнат унумдорлиги ошди, ҳеч кимнинг бекор ўтиришга вақти, хоҳиши қолмади. Иш кунларининг мазмуни бойиди. Ҳар ким ўз юмушини, бурчини англади. Ортиқча иш ўринлари қисқартиб ташланди.

— Шунга эришайликки, азизлар, иш ҳақи камлигидан зорланиб кетиб қолган ходимлар олдинги иш ўринларига қайтсинлар, — дейди Дилшода Дадажонова. — Бирорта халқ таълими ходими турмуш даражаси қўшнисиникидан кам бўлмасин. Бола тарбиясида халқ таълими ходимлари бошқалардан бир калла баландда турсинлар. Уларнинг фарзандлари ҳаммадан аълочи, соғлом, ақлли, имон-эътиқодли бўлиши шарт. Шунда бизнинг чинакам мураббийлигимиз кўпчиликка намуна бўлади.

#### ИШ ЖОЙИНГ ШИНАМ БЎЛСА

Опа халқ таълими бошқармасига ишга келган кунданоқ, соҳада жонланиш бошланди. Бошқарма биносининг таъмирталаблиги шундоққина билиниб турарди. Уч ой ичида бу бино яраклаб кетди. Иш жойинг шинам бўлса, иш ҳам унумли бўларкан. Келган меҳмонлар ҳам дарвозадан кирибоқ, раҳмат-э, ишласа бўларкан-ку дейишадиган бўлишди. Энг муҳими, бошқармадаги бу савобли иш, ташаббус мактабларга кўчди. «Ахир Дилшода Дадажонова келиб кўрадилар»,-дейишади муаллимлар. Бу асло қўрқув эмас. Опага бўлган ҳурмат, эҳтиром. Ички бир муҳаббат.

Унинг ташаббуси билан лицей ва мактабларда ташкил этилган муаллим ва ўқувчи либослари кўзни қувонтиради. Учқўрғондаги тиббиётга йўналтирилган иқтидорли болалар лицейи директори Мавлуда Ортиқова шундай дейди: — Дилшода опа бир келганларида биздан хафа бўлиб кетдилар. Уятдан ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим. Лицейимиз янги бинога кўчган, таъмирлашимиз ҳам шунчаки эди. Дарров жамоа билан ота- оналарни йиғдик. Бирлашиб таъмирлашга киришдик. Туман ҳокимлиги, ёнгинамизда жойлашган дон маҳсулотлари комбинати ҳомийлигида ишларимиз юришиб кетди. Синфхоналар ҳам бошқача бўлди-қўйди.

**(Давоми 3-бетда)**

## ЎҚУВ РЕЖАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

**Qaror va ijro**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан Халқ таълими вазирлигининг 1998 йил 30 июндаги 130-сонли буйруғи билан тасдиқланган тажриба-таянч ўқув режаси 1998 - 1999 ўқув йилида Республикадаги белгиланган ўқув муассасаларида синовдан ўтказилди.

Синов жараёнида ушбу режа юзасидан қатор таклифлар ҳам билдирилди. Барча таклиф ва мулоҳазалар халқ таълими тизими педагоглари, мутахассислари ва раҳбарлари иштирокида ўтказилган нуфузли йиғилишда умумлаштирилди. Ниҳоят, жорий йил 11 июндаги «Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини синовдан ўтказиш якунлари ҳамда уларни босқичма-босқич ўқув жараёнига татбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 6/1 - сонли ҳайъат мажлиси қарорининг 6-бандини бажариш мақсадида Халқ таълими вазирининг буйруғи қабул қилинди. Унга кўра, умумий ўрта таълим муассасаларига мўлжалланган таянч ўқув режаси (1-илова) ҳамда ўтиш даврига мўлжалланган таянч ўқув режаси (2-илова) тасдиқланди ва у 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб, умумий ўрта таълим муассасаларида татбиқ этилди. Шу муносабат билан Республика таълим марказига жорий йилнинг бешинчи августига қадар 5-, 6- синфларда 1998-1999 ўқув йилида тажриба-синовдан ўтган янги дастурларни тайёрлаш ва чоп этиш ўқув режада белгиланган барча фанлар бўйича услубий тавсиялар тайёрлаш ва жойларга етказиш, ўтиш даврига мўлжалланган ўқув режасида белгиланган тартиб ва талаблардан келиб чиққан ҳолда умумий ўрта таълим муассасаларида босқичма-босқич янги ўқув дастурларини жорий этиш вазифаси юкланди.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари эса ихтисослаштирилган мактаб (синф)лар ўқув режаларини тузишда мазкур таянч ўқув режада кўрсатилган синфлар бўйича умумий соат миқдоридан ошмаслигини назарда тутишлари ва тасдиқлашлари, шу билан бирга ўтиш даврига мўлжалланган намунавий ўқув режанинг белгиланган муддатларда жорий этилишини назорат этишлари лозим. Хуллас, бу каби вазифаларнинг нечоғли бажарилаётгани вазирликнинг умумий ўрта таълим Бош бошқармаси доимий назоратида бўлади.

***«Ўқув режаси» билан газетамизнинг 2 - саҳифасида танишасиз.***

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг бўлиб ўтган мажлисида Тошкент вилоятида «Қишлоқ хўжалиги копeративи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунга риоя этилиши масаласи кўриб чиқилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан «Бухоро» ва «Урганч» аэропортларига халқаро аэропорт мақоми берилди.**

**• Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ёнғинга қарши машиналар йиғиладиган «Навоийпожмашина» Ўзбекистон—Украина қўшма корхонаси ишга тушди.**

**• Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ташаббуси билан мамлакатимизда Исроил технологияси асосида пахта етиштирилаётган хўжаликларнинг мутахассислари ва пахта уруғчилиги билан шуғулланаётган селекциячи олимлар иштирокида амалий семинар Оқолтин туманида бўлиб ўтди.**

**• Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотига қараганда, шу кунларда мамлакатнинг Атиров вилояти экин майдонларига ёпирилган зараркунанда чигирткалар 8,5 миллион гектар суғориладиган майдонга зарар етказган.**

**• Буюк Британиянинг «Firgt Group» йирик автобус корпорацияси Америка Қўшма Штатларининг мактаб автобусларини ишлаб чиқарувчи «Ryder System» корпорацияси бўлинмаларидан бирини 940 миллион АҚШ долларига сотиб олаётганини маълум қилди.**

## «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» – ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ КЎРИГИ

Барчамизга маълумки, қўҳна Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари II-Халқаро мусиқа фестивалининг очилишига саноқли кунлар қолди. Тадбирнинг асосий шартлари шарқ мамлакатлари халқларининг ноёб мусиқа санъати ва ютуқларини кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқа анъаналарини асраб-авайлаш, маънавий қадриятларимиз ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдан иборат. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов раислигидаги ташкилий қўмита томонидан барча дастурлар ишлаб чиқилди. Фестивалнинг асосий муассислари Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Бастакорлар уюшмаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлигидир. «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали шарқ мамлакатлари мусиқий салоҳиятини тўла намоён этиш, унинг энг ёрқин намуналари, эришилаётган ижодий натижалар билан яқиндан танишиш, ўзаро тажриба-алмашишга имконият яратади. Шунингдек, аждодларимиз бой меросини тарғиб этиш, ёш авлодни мусиқа ва қўшиқчилик санъатига қизиқишларини янада орттириш, истеъдодларни рағбатлантириш, Ўзбекистоннинг санъат соҳасида ҳам ўз салоҳиятига эга эканлигини намойиши мусиқа фестивалининг асосий вазифаларидандир. Тадбирда ҳар бир мамлакатдан 9 нафаргача профессионал ва ҳаваскор бадиий жамоалар ҳамда яккахон хонандалар қатнашиши мумкин. Фестивалда ижроларнинг миллийлиги, мазмундорлиги, хонанданинг юксак ижро маҳорати, кўркам либоси ва саҳна ҳатти-ҳаракатлари баҳолашда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

Muammo

## КУТУБХОНАДА КИМЛАР ИШЛАЙДИ?

Республикамизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотларининг асосий мақсади ва йўналиши кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалга татбиқ этиш, ҳар томонлама камол топган, олий меҳнат бозори эҳтиёжларига жавоб бера оладиган, ўзгарувчан шароитларга мослаша оладиган кадрларни тайёрлашни йўлга қўйишдан иборат.

Маълумки, А.Қодирий номидаги маданият институтининг (Марказий Осиёда ягона) фаолият кўрсатаётганига ҳам чорак аср тўлиш арафасида. Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов томонидан шу йил 15 апрелда имзоланган «Ўзбекистонда 2005 йилгача туризмни ривожлантириш дастури» ҳақидаги Фармонига мувофиқ А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтини статусини ўзгартирилиши, уни «Маданият ва туризм» институти деб номланиши институт жамоасига юқори кўтаринкилик ва қувонч бахш этди. Ўйлаймизки, ушбу фармон орқали республикамизда туризмни ривожлантиришга, замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали туризм хизмати мутахассисларини тайёрлашга кенг йўл очилади. Фармон қабул қилингунга қадар А.Қодирий номидаги Маданият институтида асосан иккита факультет — маданиятшунослик ва кутубхонашунослик факультетлари фаолият кўрсатиб келди.

Кутубхонашунослик факультети оммавий кутубхоналар, болалар кутубхоналари, техника кутубхоналари учун базавий олий маълумотли кутубхоначи-библиографлар тайёрлаб келмоқда. Бундан ташқари 1995 йилдан бошлаб, факультетда архившунослик, китоб савдоси бўлимлари ҳам ташкил этилди.

Аслини олганда республикамизда бугун 17 мингдан ортиқ турли хилдаги кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларда ишлаётганларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотлиларни, 35 фоизи ўрта махсус маълумотли мутахассисларни ташкил этади, холос. Кўриниб турибдики, кутубхоналаримизда фаолият кўрсатаётган мутахасссисларнинг деярли 50 фоизга яқини 8-10 синф ҳажмидаги маълумотга эга кадрлардан иборат.

Бунинг асосий сабабларидан бири собиқ шўролар тузими даврида кутубхоначининг ҳам косаси оқармаганлигида. Олий маълумотли кутубхоначига 70-90 сўм миқдорида ўртача маош белгиланган эди. Кутубхона собиқ КПСС давлат сиёсатини ва унинг доҳийлари асарларини тарғиб-ташвиқ қилувчи идеологик ташкилот сифатидагина фаолият кўрсатарди. Кутубхоналар ўзларининг асосий вазифаси китобхонларга сифатли хизмат кўрсатиш, уларни зарур ахборотлар билан таъминлашни унутиб, халқни ўқимишли қилиб кўрсатиш мақсадида қўшиб ёзиш, йўқ китобхонни «аъзо» қилиб белгилаш, ўқилмаган китобни ўқилди қилиш, натижада собиқ «совет халқи»ни энг ўқимишли халқ даражасига кўтаришга уриниш, ўртача битта китобхон томонидан ўқилган китоблар сонини 21-23 та қилиб кўрсатиш каби салбий ҳоллар юзага келди. Бу ҳол соҳага ёшларнинг қизиқишини деярли сўндирди ва нуфузини тушириб юборди.

Аслида жамият тараққиёти, аҳолининг маданияти, маънавияти даражаси унинг ўқиш маданияти билан белгиланади. Халқ қанча ўқиса, билса юқори маънавият эгаси бўлади. Демак, ҳар қандай тузумнинг ўзгариши, ислоҳотларнинг бориши шунча енгил кўчади. Буюк бобокалонларимиз ҳам сарой, масжид, мадрасалар кутубхоналаридан самарали фойдаланишган. Тарихий манбалардан маълумки, Ибн Синогача ҳам Бухоро амирлигининг донғи кетган кутубхонаси бўлган. Соҳибқирон Амир Темурнинг икки хазинасидан бири — тўплаган бой кутубхонаси ҳисобланади. Бу маънавият хазинаси Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Али Қушчи, Бобур каби юртимизни жаҳон маърифати ва маънавияти ўчоғига айлантирган юзлаб алломаларга мерос қолган. Маънавият ҳақида жуда кўп гапирилмоқда, аммо маънавиятимиз пойдевори бўлган кутубхоналар кўпчилик ташкилотларнинг назаридан четда қолмаяптимикин?

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида «Сир эмаски ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти бойликлари, балки ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти ва маънавияти билан кучлидир» деб таъкидлаган эди. Барча ривожланган мамлакатларда бўлгани каби бизда ҳам замонавий кутубхоналар бўлиши, аҳолини керакли ахборотлар билан тез ва сифатли таъминлаш, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, механизациялаштириш, компьютерлаштириш давр талабидир.

Бугун А.Қодирий номидаги Маданият институти мақомининг ўзгариши биздан замон талаблари асосида ишлашни тақазо этади. Бизнингча, кутубхоначи кадрларни тайёрлашга давлат стандартлари асосида ёндашиб, фақат бир йўналишда бакалавр кутубхоначи-библиограф тайёрлашдан воз кечиб, кутубхоначига иккинчи мутахассислик берилиши, яъни бакалавр йўналиши бўйича «Кутубхоначи-архившунос», «Кутубхоначи-иш юритувчи», «Кутубхоначи-дастурчи», китоб савдоси мутахассислиги бўйича «Китобшунос-муҳаррир (редактор)», «Кутубхоначи-маънавиятшунос» кадрларни тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Чунки мустақил Ўзбекистонимизда ташкил топаётган янги фирмалар, корпорациялар, акционерлик жамиятлари, жамғармалар, жамоа ташкилотлари ва нашриётларда юқорида қайд этилган мутахассисларга эҳтиёж катта.

**Маҳамадкарим РАСУЛОВ,**
**А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият ва туризм институти кутубхонашунослик кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент,**

**Соибназар ДАВЛАТОВ,**
**шу институт катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди**



*Иссиқнинг тафтини сув олади*

## ОРОМ ҚУЧОҒИДА

*Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги Умир бахши Сафаров номидаги 77-ўрта мактабда ўқувчилар ёзги таътилга чиқиши арафасида болалар учун барча шароитлар муҳайё этилган «Ғунча» номли оромгоҳ иш бошлаган эди.*

*Спорт майдончалари, овқатланиш хоналари, турли тўгараклар болажонлар ихтиёрида. Дам олувчиларга мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Давлатой Олтибоева бошқош. Оромгоҳ 8 гуруҳга тақсимланиб, ҳар гуруҳда 60 тадан бола янги ўқув йилига куч тўплаяпти.*

**Дилноза БЕГИМҚУЛОВА**

Xullas...

### ТАРБИЯ ДАРОМАДДАН УСТУНРОҚ

Норвегияда автоматик ўйинлар 16 ёшга тўлмаганлар учун таъқиқлаб қўйилди. Нимага дерсиз?

Бунинг хулосаси жуда ҳам оддий. Аксарият болалар автоматик ўйинлардан сўнг мураккаб руҳий ҳолатга тушишади. Бу эса маълум даражада носоғлом турмуш тарзининг шаклланишига олиб келар экан.

Иккинчидан, 12 ёшдан 19 ёшгача бўлган болалар мўъжизакор ўйинларга ҳаддан ташқари кўп пул сарфлашади.

Бир йилда 7,5 миллиард крон (бир миллиард доллар) даромад кўраётган автоматик ўйин ташкилотчиларига эса табиийки, ҳукуматнинг бу қонуни ёқмаяпти...

### «ТУШУНГАНЛАР» НАЙРАНГИ

АҚШ суғурта компанияси ҳар йили автомашина эгаларининг ҳийла-найрангидан 20 миллиард доллар зарар кўрмоқда. Бунинг эса машина ҳалокатлари содир бўлганда тўланадиган компенсация миқдорига ҳам салбий таъсири бор.

Компания фирибгарларни қидириб топишга оммавий равишда киришгандан сўнг уларнинг 130 нафари қўлга олинди. Қизиғи шундаки, аниқланганлар адвокат ёки врач бўлиб чиқди, яъни қонунни аъло даражада тушунадиган шахслар. Бу хизматлари эвазига қандай чора кўрилишини билиб уларнинг пайтавасига қурт тушди, деб ёзади Америкада чиқадиган «Чикаго сан» газетаси.

### МАШИНАДА ТАЪҚИҚЛАНАДИ

Колумбия кўчаларида уяли телефон билан гаплашиб кетаётган автомобил эгалари шартта тўхтатилади. Транспорт полицияси вакиллари бунга тўла маънода ҳақлидирлар. Бундай ҳаракат билан тўхтатилганлар 100 доллар жарима тўлаш қоидасига бўйсунадилар.

Мамлакат транспорт вазири Маурисио Карденаснинг таъкидлашича, уяли телефон кўпдан-кўп автомобил фожиаларига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун улардан машина ҳайдаш жараёнида фойдаланиш хавфли.

### БУҒУНИНГ ҚАЙТИШИ

Тибет ўтлоқзорларида 1940 йилдан бери буғу учрамаган эди. Шарқий Лхассада пайдо бўлган шохдор буғу ҳаммани ҳайратга солди.

Маълумки, буғунинг бир қанча ички аъзоларидан шарқ табобатида шифобахш дори-дармонлар тайёрланади. Маҳаллий ҳукумат ана шуни ҳисобга олиб, буғуни ҳимояга олишга фармон берди.

Бу ҳақда «Нэшнл жиогрэфик» журнали батафсил маълумот беради.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

### ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КИРДИ

**Футбол бўйича олий табақа жамоалари 40 кунлик танаффусдан кейин янги куч-ғайрат билан Ўзбекистон VIII-чемпионати 2-давра ўйинларини бошлаб юборишди. Унда жамоаларнинг беллашуви қуйидагича: «Дўстлик — «Нефтчи» —2:3, «Насаф» — «Бухоро» — 1:1, «Сурхон» — «Пахтакор» — 2:4, «Самарқанд» —«Темирйўлчи» — 6:0, «Трактор» — «Навбаҳор» — 2:6, «Андижон» — «Металлург» — 2:1, «Хоразм» — Янгиер» — 1:0, «Зарафшон» — «Сўғдиёна» — 2:1 кўриниш олди.**

### УЛАРДАН УМИД КАТТА

**Польшада эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати давом этаяпти. 50 га яқин мамлакат спортчилари иштирок этаётган бу нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя этаётган Дилшод Мансуров, Рустам Эрматов, Бахтиёр Қосимбетов, Музаффар Абдураҳмоновларнинг совриндор бўлишига ишончимиз катта.**

### ХОТИРА ТУРНИРИ

**Шахмат бўйича Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланиб ўтказиладиган анъанавий турнирнинг юртимиз шатранж усталари учун катта кўрик вазифасини ўтаб келаётганлигини кўпчилик яхши билишади. 23-бор ташкиллаштирилаётган бу мусобақа бу йил 7-16 август кунлари Қибрай шаҳрида бўлиб ўтади.**

### ЙЎЛЛАНМАЛАР НАҚД

**Тошкент вилоятининг «Чорвоқ» ўқув-машғулот базасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Республика чемпионати якунланди. Унда муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган спортчилар август ойида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.**

### ШОҲОНА БЕЛЛАШУВЛАР

**АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида шахмат бўйича ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпионати қизғин давом этаяпти. Сайёрамизнинг энг кучли шахмат даҳоларининг ғоявий тўқнашувларида юртдошимиз Рустам Қосимжоновнинг ўз сўзини айтишига ишонамиз.**


**Халқ таълими муассасалари, китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар, кутубхоналар диққатига!**



Шу кунларда **«Ўрта мактаб, лицей ва коллежларни битирувчилар ҳамда олий ўқув юртларига кирувчилар учун ёрдамчи тестлар ва услубий тавсиялар»** деб номланган янги китоб савдога чиқарилди.

Нашрда **Ўзбек тили ва адабиёти, тарих, математика, физика, химия ва биология фанларидан мактаб дастури асосида тузилган замонавий тестлар ва уларнинг тўғри жавоблари ҳамда шу жавобларнинг назарий асослари** ҳам берилган.

Китоб **қаттиқ, рангли, ялтироқ муқовада чоп этилган**.

Шунингдек,

- **мактаб ўқувчилари учун кундаликлар**
- **расм дафтарлари**
- **инглиз тили бўйича дарсликлар ва луғатлар мавжуд.**

**Манзилимиз: Тошкент ш. Навоий кўчаси 30-уй.**
**Маълумотлар учун телефон - 144-37-92.**


## ЁШ ҲУНАРМАНДЛАР

Дўстлик туманидаги «Кабутар» болалар боғчасида жажжи ўғил-қизлар учун қизиқарли машғулотлар билан бир қаторда мусиқа, бичиш-тикиш, пазандалик тўгараклари ҳам мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Яқинда дилбандлар масканида зардўзлик тўгараги иш бошлади. Донагул Жўраева раҳбарлигида ширинтойлар зардўзликнинг ўзига хос сирларини ўрганишаётир. Мазкур тўгаракка нафақат қизлар, балки ўғил болалар ҳам қизиқиб қатнашмоқдалар. Болажонлар гулшанининг тарбиячилари ҳам тўгаракда халқ амалий санъатининг ноёб сирларини ўрганишаяпти.

**Севара ЖЎРАЕВА**

**Хурматли ҳамкасбимиз Назиржон ҲАЙДАРОВ!**

*Сизни таваллуд топган кунингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз.*

*Педагоглар билан ишлаш, уларга керагида кўмак беришдек сермашаққат ва савобли ишингиз самараси Сизни ҳамиша хурсанд қилиб юрсин.*

*Соғу саломат бўлинг!*

**Нарпай туман халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари туман касаба қўмитаси жамоаси**

Ko'ngil bitiklari

## ЮРТНИ ДЕБОН ЖОНДАН КЕЧДИМ

***Ёзувчи ва шоир Ўктам Ҳакимали адабиёт аҳлига яхши таниш. Унинг ўнлаб қисса ва ҳикоялари, шеърий мажмуалари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинган. Улкан адиблар томонидан эътироф этилган. Шу кунларда ёзувчи 60 ёшга тўлди. Барча қатори биз ҳам уни шу қутлуғ сана билан муборакбод этамиз.***

*Неча кунким, ёр сиймосин кўро билмадим.*
*Хато бўлди ҳоли-зорин сўро билмадим.*

*Висол ҳажрин кўйидаким, йиғласа пинҳон,*
*Ул пинҳоннинг кўнглин нечун оло билмадим.*

*Тун-кечалар қон йиғлабон тўлғанса-да хор,*
*Ҳижрон куни ёрга сабр тило билмадим.*

*Ёр доғида шому саҳар бўзласам-да зор,*
*Шами ўчган кулбасига боро билмадим.*

*Хотирин ёд этмай ётлар, унутган онлар,*
*Ул маҳвашга кўнгил розин беро билмадим.*

*Жон қасдини излаб ҳаргиз сўрсада паноҳ,*
*Ул паноҳга ҳасратимни деё билмадим.*

*Тўлса агар паймонаси ул марҳабонинг,*
*Хазон куни — бугун Ўктам кўро билмадим.*

*X X X*

*Бир бевафо хотириким жонимга кишан ўлди,*
*Бир кишанга маҳкумлигим жаҳонга ниҳон ўлди.*

*Кулфатининг сирин айтсам, кишан ҳам шу он ёнғай,*
*Париваша асирлиғим кишанга пинҳон ўлди.*

*Умр кечгай асирликда, ишқ эрур занжирбанд,*
*Занжирин жабриданким, толеим хазон ўлди.*

*Тутаб ётар ишқ меҳвари, айирмишким меҳвардан,*
*Ўртанади ғам лашкари, бу танам талон бўлди.*

*Бу талонга эмас моне, ғафлат куниким мардум,*
*Қанот синган орзу қуши бул кунким қирон ўлди.*

*Ул ситамгар гуноҳларин қон ила ювса-да гар,*
*Асли вафо қилмаслиги ошиққа аён бўлди.*

*Қайси кунким билолмайман, ҳирс заҳрин ичди жонон,*
*Бу балолиқ ситамидан рангу рўйи сомон ўлди.*

*Бода эрур илинж жонга, кулба қолса жононсиз,*
*Толесиз бу шамхонага Ўктамким ҳоқон ўлди.*

### НАВОИЙ ФАРЁДИ

*Юрт дардига мубталоман, мубталосин исён ўртар,*
*Эл ғамида ёнадурман, ёнган қулин тўфон ўртар.*

*Ҳақ неъмати эрур исён, саралайди исён элни,*
*Ярамаса исёнга эл, исёнкорин фиғон ўртар.*

*Ҳақ ғашига тегса мардум, тўфон босса юртни агар,*
*Қўзғалмаса исёнга эл, бундай элни қурбон ўртар.*

*Юртни дебон ишқдан кечдим, кечдим жондин, кечдим ёрдин,*
*Ишқсиз қолган, ёрсиз қолган ошиқ торин жонон ўртар.*

*Исёнларсиз қисмат қондир, ҳурлик қондир, эл тутқундир,*
*Дарду ғаминг сезмаса эл, унинг ашкин нодон ўртар.*

*Юрак-бағрим кемирди ғам, ғам даштида гирён бўлдим,*
*Фиғонимдан гирён жаҳон, ҳижронимдан жаҳон ўртар.*

*Чироқ ёнмас толеимда, осмон бўлди рангу рўйим,*
*Даврон кутар тутқун шоир, шаън-шавкатин даврон ўртар.*

*Юрт дардида, эл ғамида йиғлаб ўтдинг эй, Ўктамо,*
*Ғафлат туни отмас нечун, ғафлат бағрин камон ўртар.*

**Ўктам ҲАКИМАЛИ**


Тошкент шаҳри А.Икромов туманидаги «Ал Тора» МЧЖ (ОКПО бўйича коди — 15923638) тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Чилонзор, 30-квартал, 17-уй, 52-хонадон.



Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0641. Тиражи 24.190.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.00.